

81.61

M 96

محمودجان محى الدينوف

هكر سليمانوفه

مبادئ

اللغة العربية السهلى

ЭНГ ОСОН
АРАБ ТИЛИ

Араб тилини ўрганувчилар учун
қўлланма



FF0000016836

81.61
M 96

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ

МАХМУДЖОН МУҲИТДИНОВ

ХУЛКАР СУЛАЙМОНОВА

ЭНГ ОСОН АРАБ ТИЛИ

АРАБ ТИЛИНИ ЎРГАНУВЧИЛАР УЧУН
ҚЎЛЛАНМА
(1-жузъ)

Ўзбекистон Республикаси
Мамақулоқ ва алоқа вазирлиги

Nizomiy nomidagi
TDPU
axborot-resurs
markazi

~~012/76/21~~

«Наманган» 6630

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Ушбу ўқув-услубий қўлланма НамДУ ўқув-услубий кенгашининг 2008 йил 3 июлдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. Баённома № 10

Масъул муҳаррир: Хамиджон ХОМИДИЙ,
Профессор, ф.ф. доктори. Низомий
номдаги ТДПУ ўзбек классик адабиёти
кафедраси мудири. 8

Муҳаррир: Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
НамДУ доценти.

Тақризчилар: Икромжон БУЛТАКОВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик
институтини доценти.

Юнусхон РАХМАТУЛЛАЕВ,
НамДУ ўқитувчиси.

Райхоной ҒОЙИББОВЕВА,
Наманган вилояти Чортоқ тумани 13-
ўрта мактаб араб тили ўқитувчиси.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма соддадан мураккабга томон йўналган 20 та дарсдан иборат. Мазкур ўқув-услубий қўлланма араб тилини ўрганишни янги бошлаганлар ҳамда олий ўқув юртлирининг кўйи-босқич талабаларига мўлжалланган. Ундан барча араб тилига кизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Қўлланмага мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари билиши лозим бўлган тушунчалар ва энг долзарб сиёсий атамалар лугати ҳамда араб давлатлари билан боғлиқ муҳим географик номлар лугати илова қилинган.

Ўқувчига қулай бўлиши учун транскрипцияда чўзиқ унлиларини фойдалаш мақсадида а: белгиси эмас, аа белгиси қўлланилди. Хар қандай ишда бўлгани каби ушбу ўқув-услубий қўлланмада ҳам камчиликлар бўлиши табиий. Ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганларга олдиндан ташаккур айтамыз.

ISBN-978-9943-344-93-8

Муаллифлар.

НГ 744-1829.75-1411400 2009

745-(6,0)-(05)

© «Наманган» нашриёти
© М.Муҳитдинов, Ҳ.Сулаймонова.

Ушбу қўлланма араб тили ва адабиётининг
зукко билимдонлари бўлмиш устозларимиз
Исмагулла Абдуллаев ва Одилжон Носировнинг
порлоқ хотирасига бағишланади

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ОЧҚУ

Халқимизнинг минг йилдан зиёд даврдаги маънавий-маърифий меъроси, адабиётию илм-фанига доир сарчашмалар араб хатида битилган. Ўз миллий қадриятлари билан фахрланадиган ҳар бир фуқаро бу ёзувни билиши фойдали. Шунинг учун араб графикасини, тилини ўрганишга доир ҳар қандай қўлланма ёки китоб қўллаб-қувватланишга лойиқ. Ана шу жиҳатга кўра М.Муҳитдинов ва Х.Сулаймоновалар томонидан яратилган «Энг осон араб тили» қўлланмасини завқ билан ўқиб чиқдим. Муаллифлар араб тили қонун-қоидаларини, уни ўрганиш усулларини энг ҳаммабон тарзда баён этганлар, тушунтирганлар. Муайян қоидалар юзасидан берилган мисоллар, ўрганиш учун келтирилган сўз ҳамда иборалар тўғри, мақсадга мувофиқ танланган. Улар эсда сақлаш, ёдлаш ҳамда ўзга тилдан таржима қилиш учун қулай ва барча матнлар бир томондан араб тилининг ўзига ҳос қонуниятларини ўзлаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан ўқувчи тафаккурини чархлайди, унда араб тилидаги сўзларни ўзбек тилига ўгириш кўникмасини ҳосил этади.

Хулосаикалом шуки, «Энг осон араб тили» шу ёзувни ўрганишга қизиққан ўқувчи, талаба ҳамда хаваскор тил ўрганувчиларга маънавиятимиз тарихини билиш учун бир очқу сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир.

Профессор Х.Ҳомидий,
2008 йил, 8 май

1-§. Араб ёзуви. ا (алиф) ва د (даал) харфлари

Араблар ўнгдан чапга қараб ёзадилар. Арабча харфлар сатр чизигида жойлашишига қараб бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам биз уларни ёзганда араб алифбосининг биринчи харфи - алиф харфининг сатр чизигида жойлашишига қараб муносиблаштириб оламиз. (1) Алиф сатр чизигидан пастга тушмайди ва тахминан 8 мм лар атрофидаги тик чизиқдир.

1-машқ. Алиф харфини бир қатор ёзинг.

ا ا ا ا

Алиф харфи ўзи алоҳида ҳолда бирор товушни билдирмайди.

Даал харфи «д» товушини ифодалайди. Юқоридан пастга қараб ёзилади. Алифга нисбатан олинганда, унинг ярмига тенг, остки чапга қайрилган қисми сатр чизигидан пастга тушмайди.

2-машқ. Алифга қиёслаган ҳолда даал харфини ёзинг.

اد اد اد

2-§. Қисқа унлилар ва ҳаракатлар

Араб тилида унли товушлар қисқа ва чўзиқ бўлади. Аммо араб алифбосида унли товушларни ифодалайдиган харфлар йўқ. Қисқа унлиларни ифодалаш учун ундош харфларнинг ости ёки устига қўйиладиган белгилардан фойдаланилади. Мазкур белгилар ҳаракатлар деб аталади.

«а» киска унлисини ифодалаш учун ундош харф устига «фатҳа» деб номланадиган чизикча қўйилади. М:

ا - да.

«и» киска унлисини ифодалаш учун ундош харф остига «касра» деб номланадиган чизикча қўйилади. М:

د - ди.

«у» киска унлисини ифодалаш учун ундош харф устига «дамма» деб номланадиган чизикча қўйилади. М:

دُ - ду.

3-машқ. Алифга қиёслаган ҳолда даал ҳарфини ёзинг.

د د د د د د د د

Агар ундошнинг устига ёки остига ҳеч қандай ҳаракат (белги) қўйилмаган бўлса, у ҳолда унбу ундошнинг ҳаракатсиз, яъни киска унлисиз эканлигини ифодаловчи «суқун» деб номланадиган кичик думалок шаклдаги белги (◌) ундош устига қўйилади. Суқун олган ундош ўз ҳолича, яъни киска унлисиз ўқилади.

М: د - д, دد - дад, دد - дид, دد - дуд.

3-§. ر (ре) ҳарфи ва «р» товуши

ر ҳарфи «р» товушини ифодалайди ва у ўнгдан пастга ва чапга буккан ҳолда сатр чизигидан пастга тушириб ёзилади. Унинг юқори қисми сатр чизигидан 1-2 мм тепага чиққан бўлади. Унинг алиф ва даалга нисбатан ҳолати қуйидагича:

ار

4-машқ. Ўнгдан чапга қараб ёзинг.

ادر در رر رر

5-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ررر ررر ررر ررر
ررر ررر ررر ررر

6-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

در در ررر درر ررر

4-§. ز (зе) ҳарфи ва «з» товуши

ز ҳарфи ўзбек тилидаги «з» товушига ўхшаш товушни билдиради.

ز ҳарфи ر «ре» ҳарфи билан бир хил ёзилади. Фақат биргина фарқи устида битта нуқтаси бўлади.

7-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ززر ززر ززر ززر ززر ززر ززر ززر ززر ززر

Иккинчи дарс

الدَّرْسُ الثَّانِي

5-§. ذ (заал) ҳарфи ва «з» товуши

ذ (заал) ҳарфи د «даал» ҳарфи каби ёзилади.

Биргина фарқи устида битта нуқтаси бўлади.

Тилнинг учини тишлаган ҳолда инглиз тилидаги

{ð} товуши каби талаффуз қилинади.

1-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ذذذ ذذذ ذذذ ذذذ ذذذ ذذذ ذذذ ذذذ ذذذ

رَنزِدَ دَرَدَدَ دُرْنِزِ نَزْ زَدَ

6-§. «ваав» ҳарфи ва «в» товуши
Ваав ҳарфи «в» товушини ифодалайди.

و ҳарфи «ре» ҳарфи каби ёзилади. Фарқи сатр
чизиғидан тепа қисмида чапга қараган думалок
шакли бўлади. Унинг алиф ва даалга нисбатан
ёзилиши куйидагича:

اد و

1- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

وَوَوُ وَوَوُ وَوَوُ وَوَوُ
نَوْرَ نَوْرَ زَوْدَ زَوْدَ دَرُو
وَرْدَ وَرْدَ وَرْدَ وَرْدَ رَزُو

7-§. «Аа» чўзиқ унлиси

Қисқа унлилардан ташқари араб тилида {aa} чўзиқ
унлиси каби чўзиқ унлилар ҳам мавжуд. Араб тилида
— ҳаракатини олган ҳарфдан кейин келган ҳаракатсиз
алиф чўзиқ унли «aa» ни ифодалайди.

Унлиларнинг узун қисқалиги араб тилида катта
аҳамиятга эга бўлиб, сўзнинг маъносини ўзгартира
олади. Шунинг учун сўزلарни талаффуз қилганда
унлиларнинг узун ёки қисқалигига қатъий эътибор
бериш керак.

2- машқ. Узун ва қисқа унлиларни фарқлаб ўқинг.

وَرْدَ — وَارْدَ

زَوْدَ — زَاوْدَ

دَرُ — دَارُ

زَرُ — زَارُ

زَارَ - زَارَا
دَوَا - دَاوَا

دَادَ - دَادُوا
رَاو - رَاوُوا

8-§. Танвин тушунчаси

Араб тилида кўпчилик исм (от, сифат, сон, сифатдош)лар «танвин» деб аталувчи кўшимча билан тугайди. Сўзнинг бош келишикдаги шакли «ун» тарзида ўқилувчи танвин билан тугайди. Худди ҳаракатлардек, танвинлар ҳам кўшимча белгилар сифатида илова қилинади. М: «ун» танвини — шаклида бўлиб, у сўзнинг охиридаги ҳарфнинг устига қўйилади.

М: دَارٌ - ҳовли, уй

وَرْدٌ - атиргул

وَارِدٌ - келувчи.

Учинчи дарс

الدَّرْسُ الثَّلَاثُ

9-§. Араб тилидаги ҳарфлар имлосининг ўзига хос хусусиятлари

Араб ҳарфлари босма ҳолда ҳам, ёзма шаклда ҳам бир сўз доирасида бир-бирига қўшилиб ёзилади. Бунинг натижасида ҳар бир ҳарф сўздаги жойига қараб ўз шаклини ўзгартиради. Бундай шакллар тўрт хил:

1. Алоҳида (қўшилмаган) шакл.

2. Сўз бошидаги шакл.

3. Сўз ўртасидаги шакл.

4. Сўз охиридаги шакл.

Бизлар ўрганган 6 ҳарф (ا، د، ذ، ر، ز، و) эса, бошқа ҳарфлардан фарқ қилган ҳолда фақат икки шаклга эга. Улар чап томонга, яъни ўзидан кейинги ҳарфга ҳеч қачон қўшилмайди. Шунинг учун ҳам улар тўрт шаклли

эмас, балки 2 (кўшилмаган ва ўнг томонга кўшилган) шаклларга эгадир.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ل	ل	ا	ا
د	د	د	د
ذ	ذ	ذ	ذ
ر	ر	ر	ر
ز	ز	ز	ز
و	و	و	و

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, мазкур олти харфнинг алоҳида шакли билан бош шакли ва ўрта шакли билан охириги шакли бир хил.

10-§. ب (бе) ҳарфи ва «б» товуши

Ушбу харф тўрт шаклли бўлиб, «б» товушини ифодалайди. Ўнгдан чапга томон қуйидагича ёзилади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ب	ب	ب	ب

Унинг алифга нисбатан сатр чизигида жойлашуви қуйидагичадир:

ا ب ب ب ب

Бир-бирига қўшилиб ёзилиши қуйидагича:

بيبيبي

1- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

بَابُ بَبُّ بَبِّ بَبِّ بَبِّ
بَا بَدَّ بَوَّ دَبَّرَ دَرَبَّ زَرَبَ
بَزْرُ بَدَارٌ بَوَادِرُ بِيَابُ

11-§. ت (te) ҳарфи ва «т» товуши

«Т» товушини ифодалайди. Ёзилиши худди «бе» ҳарфи каби ёзилади, лекин ҳарф остида битта нуқта келмасдан, теъасига иккита нуқта қўйилади.

Сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алохида
ت	ت	ت	ت

2- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ت ت ت ت ت ت ت ت ت ت ت ت

12-§. ث (ce) ҳарфи ва «с» товуши

ث (ce) ҳарфи тилнинг учини тишлаб талаффуз қилинадиган «с» товушини ифодалайди. У инглиз тилидаги [θ] га ўхшаш товушдир. Ёзувда худди «те» ҳарфи каби ёзилади, фақат нуқталар сони иккита эмас, учтадир.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алохида
ث	ث	ث	ث

3- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ث ث ث ث ث ث ث ث ث ث ث ث

4- машқ. Бир биридан фарқлаб ўқинг.

ث - د

ث - د

ث - د

5- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

دَبْرَتٌ ذَاتٌ ثَارٌ وَرَثٌ

ثَرْتٌ ذَابِتٌ تَبْرُزُ زَارَتٌ

13-§. Рақамлар

Араблар фойдаланадиган рақамлар (келиб чиқиши бир бўлишига қарамай) бизлар фойдаланадиган рақамлар билан ёзилишида фарқ қилади.

Бизда	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
Арабларда	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩	٠

Кўп хонали сонларнинг ўқилиши бизлардаги каби чапдан ўнгга қараб ўқилади ва ёзилади. М:

Бизда	10	15	17	25	300	7612	2008	1961
Арабларда	١٠	١٥	١٧	٢٥	٣٠٠	٧٦١٢	٢٠٠٨	١٩٦١

6- машқ. Янги сўзларни ёдланг.

совуқ (сифат) - بَارِدٌ *baridun* эшик - بَابٌ *babun*

атоқли - بَارِزٌ *barizun* ёқтириш - وَدَادٌ *wadadun*

мустаҳкам - ثَابِتٌ *tabitun* озиқ-овқат - زَادٌ *zadun*

туپроқ - ثَرَابٌ *tharabun* совуқ(от) - بَرْدٌ *bardun*

савоб - ثَوَابٌ *thawabun* маош - رَاتِبٌ *ratibun*

14-§. ن (нун) ҳарфи ва «н» товуши

ن (нун) ҳарфи «н» товушини ифодалайди ва тўрт шаклга эга.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ن	ن	ن	ن

Унинг алифга нисбатан сатр чизигида жойлашуви қуйидагичадир:

ان ننن

1- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن ن

2- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

نَوَادِرُ ذَبْنٍ بَدْرُنِ تَبَدْرُ

زُرْتُ تَارِنَ دَارَانَ دُرْنَ

15-§. ي (йо) ҳарфи ва «й» товуши

ي (йо) «й» товушини билдиради ва ҳар икки томондаги ҳарфга қўшилиб ёзилади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ي	ي	ي	ي

Унинг алифга нисбатан сатр чизигида жойлашуви қуйидагичадир:

اي ييي

Алоҳида шаклида сатр чизигидан тушмайди, лекин сўз охирида келган ўзидан олдинги ҳарфга қўшилган ҳолда сатр чизигидан пастга осилтириб ёзилади.

3- машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ى ى ى ى ى ى ى ى
بى تى دى دوى ئوى نو

16-§. Чўзиқ унлилар

Араб тилида «аа» чўзиқ унлисидан ташқари, яна «ии» ва «уу» чўзиқ унлилари ҳам мавжуд.

Агар — «касра» белгиси билан ҳаракатланган ҳарфдан сўнг ҳаракатсиз **ى** ҳарфи келса, у чўзиқ унли «ии» ни ифодалайди. Шунингдек, — дамма ҳаракатли ҳарфдан кейин келган ҳаракатсиз **و** чўзиқ унли «уу» ни ифодалайди. М:

нуурун	ئور	ниирун	نير	наарун	نار
--------	-----	--------	-----	--------	-----

Демак **و** ва **ى** ундошлари ҳаракатли бўлганда «в» ва «й» ундошларини ифодалар экан. Агарда улар ҳаракатсиз бўлса, «уу» ва «ии» чўзиқ унлиларини ифодалайди.

4-машқ. Қисқа ва чўзиқ унлиларни қиёслаб ўқинг.

ث - ثا

ث - ثى

ث - ثو

ن - نا

ن - نى

ن - نو

د - دا

د - دى

د - دو

5-машқ. Янги сўзларни ёдланг.

вазир - **وَزِيرٌ** *vazirun*

уй - **بَيْتٌ** *baytin*

қизлар - **بَنَاتٌ** *banatin*

ўсимликлар - **نَبَاتَاتٌ** *nabatatin*

ўт, олов - **نَارٌ** *narun*

гуноҳ - **ذَنْبٌ** *zanbin*

ёруғ - **نَيْرٌ** *na'arin*

қўл - **يَدٌ** *yadun*

ўсимлик - **نَبَاتٌ** *nabatun*

диван - **دِيْوَانٌ**

нодир - **نَادِرٌ** *nadirun*

юмшоқ - **وَثِيرٌ** *vasir*

нур - **نُورٌ** *nurun*

кийим - **ثَوْبٌ** *tabun*

шубҳа - **رَيْبٌ** *raybin*

қиз - **بِنْتٌ** *bantun*

17-§. Аниқловчининг ўрни

Араб тилида ўзбек тилидан фарқли равишда сифатловчи аниқловчи сифатланмиш оддан кейин келади. Мас.:

атоқли вазир **وَزِيرٌ بَارِزٌ** *vazirun barizun*

юмшоқ диван **وَثِيرٌ دِيْوَانٌ** *vasirun divanun*

нодир ўсимлик **نَبَاتٌ نَادِرٌ** *nabatun nadirun*

ёруғ уй **بَيْتٌ نَيْرٌ** *baytin na'arin*

Бешинчи дарс

الدَّرْسُ الْخَامِسُ

18-§. ل (лаам) ҳарфи ва «л» товуши

ل (лаам) ҳарфи «л» товушини ифодалайди. Ҳар икки томондаги ҳарфга қўшилади ва тўрт кўринишга эга.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ل	ل	ل	ل

«Лаам» харфининг бўйи алиф харфининг бўйи билан тенг.

1-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ل ل ل ل ل ل ل ل ل

2-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ل و ا ل ن ا ل د ل ل ل و

19-§. ك (кааф) ҳарфи ва «к» товуши

ك (кааф) «к» товушини ифодалайди. Тўрт шаклга эга. Бўйи «алиф» нинг бўйига тенг. Алоҳида ва охириги шакли икки кўринишга эга:

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ك ك	ك	ك	ك ك

3-машқ. Ўқинг ва 5 марта кўчириб ёзинг.

ك ك ك ك ك ك ك ك ك ك ك ك ك

4-машқ. Эътибор билан 10 марта такрорланг.

كِبَارٌ لَكْ يَكُونُ يَكْتُبُ يَتْرُكُ

ل ва ك

харфларидан кейин чўзиқ унли «аа» ни ифодаловчи ل харфи келганда, ушбу харфлар ўз шаклини бироз ўзгартиради: لا - лаа, كا - каа.

5-машқ. 10 марта кўчириб ёзинг.

... لا

... كا

6-машқ. Янги сўзларни ёдланг.

ёзувчилар - كِتَابٌ <i>kitābun</i>	булбул - بَلْبُلٌ <i>balbulun</i>
катта - كَبِيرٌ <i>kabīrun</i>	стакан - كُؤْبٌ <i>kūbun</i>
ширин - لَذِيذٌ <i>ladhīzun</i>	сут - لَبَانٌ <i>labānun</i>
йўқ - لَا <i>la</i>	бола - وَلاَدٌ <i>walādun</i>
китоб - كِتَابٌ <i>kitābun</i>	юрт, мамлакат - بِلَادٌ <i>balādu</i>
ёзувчи - كَاتِبٌ <i>katībun</i>	юртлар, мамлакатлар - بِلَادَانٌ <i>balādanun</i>
китоблар - كُتُبٌ <i>kutubun</i>	юртлар, мамлакатлар - بِلَادٌ <i>balādu</i>
хўроз - دِيكٌ <i>diikun</i>	

20-§. و БОҒЛОВЧИСИ

Ўзбек тилидаги «ва» боғловчиси араб тилидан ўзлашгандир. Сўзларни санаганда ўзбек тилида сўзларни санаш оҳангида талаффуз қилинганда кўпроқ вергул қўйилиб, энг охириги сўздан олдин «ва» боғловчиси қўйилса, араб тилида ҳар бир сўздан кейин

و боғловчиси қўйишни афзал кўрилади. Мас.:

كُتُوبٌ وَ دِيكٌ وَ بَلْبُلٌ

Жўжа, хўроз ва булбул.

21-§. Ҳаракатлардан фойдаланиш

Араб тилида кундалик ҳаётдаги матнларда ва оммавий нашрлардаги ёзувларда ҳаракатлардан фойдаланилмайди. Ҳаракатлар ўқув машғулотида, луғатларда, шеъриятда ва Куръон ёзувларидагина қўйилади. Шунинг учун ҳам сўзларни ёдлаб олиб, мазмундан келиб чиққан ҳолда, ҳаракатсиз ўқишга одатланиш керак.

7-машқ. Арабчага таржима қилинг.

1) Катта стакан. 2) Нодир ўсимлик. 3) Катта ва совуқ уй. 4) Ширин сут ва катта стакан. 5) Атокли ёзувчи.

22-§. Эғалик ва мавжудликни ифодалаш

Араб тилида эғалик ва мавжудликни ифодалаш учун шахс, сон ва жинсда ўзгариб турадиган махсус гап қурилмасидан фойдаланилади. Улардан баъзилари қуйида берилмоқда:

- ... لي - менинг ...им (бор) *li* لي
- ... لك - сенинг ...инг (бор) (эркак кишига) *lake*
- ... لك - сенинг ...инг (бор) (аёл кишига) *lake*
- ... لنا - бизнинг...имиз (бор) *lana*

Бундайин гап қурилмалари орқали феълсиз гаплар тузилади ва мавжуд нарса хусусий эканлигини англатади:

- менинг китобим (бор) *li kitobim* لي كِتَاب
- сенинг уйинг (бор) *lake baytin (erhaki)* لك بَيْت

Изох: Одатда «бор» сўзи араб тилида тушиб қолади, лекин ўзбек тилига таржима қилинганда у қўлланилади.

5-дарсга тааллуқли матн

lake kitobim nadorim

kame

kame

(1) لك كِتَابٌ نَادِرٌ .

(2) لَنَا بَيْتٌ كَبِيرٌ .

(3) لِي لَبَنٌ بَارِدٌ .


(4) لِي ثَوْرٌ كَبِيرٌ .

(5) لَكَ لَبَنٌ لَذِيذٌ وَ بَارِدٌ .


(6) لَنَا دِيوَانٌ وَثِيْرٌ وَ نَادِرٌ .

(7) لَنَا بَيْتٌ كَبِيرٌ وَ نَيْرٌ وَ بَارِدٌ .

6630



17



23-§. Араб тилида жинс

Араб тилида иккита грамматик жинс бор: эркак (музаккар), аёл (муаннас).

24-§. Музаккар (эркак) жинси (мз)

Олтинчи дарсгача биз фақат музаккар жинсдаги исмлардан фойдаландик (араб тилида от, сифат ва олмошларни умумий равишда исм деб номланади). Музаккар жинсидаги исмлар аксар холларда — (ун) танвин қўшимчаси билан тугайди:

بَابٌ — эшик, كِتَابٌ — китоб,
نَادِرٌ — нодир, لَبَنٌ — сут.

Шунингдек, сифатловчи аниқловчилар ўзи аниқлаб келган от (аниқланмишнинг) жинсига мослашиб келади:

катта китоб كِتَابٌ كَبِيرٌ
ширин сут لَبَنٌ لَذِيذٌ

25-§. Муаннас (аёл) жинси (мн) ва ة ҳарфи

Муаннас жинсидаги аксар сўзлар ёзувда ўзига хос жинс белгиси бўлган ва «та-марбута» (боғланган «т») деб номланадиган «т» ҳарфи билан тугайди. Шунинг учун ҳам мазкур ҳарфнинг фақат алоҳида ва охириги шакллари мавжуд холос.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
تة	-	-	ة ت

«Та-марбута»нинг алоҳида ҳолати ا،ذ،ر،ز،و — ҳарфларидан кейин келади. Муаннас жинсидаги сўзларда ة،ة дан олдинги ҳарф «а» ҳаракатини олган бўлади. Шунинг учун ҳам музаккар сўзлар «ун»

қўшимчаси билан тугаса, муаннас сўзлар «атун» қўшимчаси билан тугайди:

атиргул (вардатун)- **وَرْدَةٌ**

костюм (бадлатун) - **بَدَلَةٌ**

вазирлик (визааратун)- **وَزَارَةٌ**

давлат (давлатун)- **دَوْلَةٌ**

сариёғ (зубдатун)- **زُبْدَةٌ**

Изоҳ: Араб тилида инсон танасининг жуфт аъзолари, аёл жинсини англатадиган сўзлар ва баъзи сўзлар «қўшимчаси билан тугамаса ҳам муаннас жинсида ҳисобланади:

қўл - **يَدٌ**

қиз - **بِنْتٌ**

ҳовли - **دَارٌ**

Муаннас жинсидаги сифатлар музаккар жинсидаги сифатларнинг охиридаги «ун» қўшимчаси ўрнига «атун» қўшимчасини алмаштириш орқали ҳосил қилинади:

муаннас

كَبِيرَةٌ

بَارِدَةٌ

музаккар

كَبِيرٌ

بَارِدٌ

1-машқ. Қуйидаги музаккар сифатлардан муаннас сифат ясанг.

(1) **تَادِرَةٌ**

(2) **لَذِيذٌ**

(3) **وَتِيرٌ**

(4) **كَبِيرٌ**

унинг(мз) ... (бор) - له
унинг(мн) ... (бор) - لها

6-дарснинг 2-матни

- ۱) له كتاب كبير. هو نادر. هو هنا.
- ۲) هناك بهو كبير. هو بارد.
- ۳) لها وردة كبيرة. هي نادرة.
- ۴) هناك وردة نادرة. هي كبيرة.
- ۵) هنا زبدة باردة. هي لذيذة.
- ۶) لنا بيت كبير. هو هناك.
- ۷) هنا ديك كبير. و هناك بلبل نادر.
- ۸) لي كوب كبير و هناك لبن بارد و لذيذ.
- ۹) هناك نبات نادر. هو باهر.

5-машқ. Арабчага ўғиринг.

1. Унинг катта стакани бор. У у ердадир. 2. Менинг ажойиб атиргулим бор. У каттадир. 3. Менинг костюмим бор. У шу ердадир. 4. У ерда булбул бор. 5. Бу ерда бола бор. Унинг мазали ва совуқ сути бор.

Еттинчи дарс

الدَّرْسُ السَّابِعُ

27-§. Кўрсатиш олмошлари

هذا - бу (мз) ва هذه - бу (мн) олмошларининг биринчи бўғинида алиф бўлмаса ҳам, улар чўзиброк талаффуз қилинади: хааза, хаазихи

Исмий (от кесимли) гапларда мазкур кўрсатиш олмошлари эга вазифасида келиши мумкин. Бундай

гапларда эга вазифасида келган кўрсатиш олмошлари кесим вазифасида келган от билан жинсда мослашади:

Бу – костюм. - هذه بدلة

Бу – хўроз. - هذا ديك

1-машқ. Ўқинг ва таржима қилинг.

هذا بيت كبير. هو هنا. هذه وردة. هي باهرة. هذا لبن
لذيذ و هذه زبدة باردة. هذا كوب كبير. هناك بهو باهر.
هذانبات نادر.

2-машқ. Арабчага ўғиринг.

1) Бу – вазиралик. У каттадир. 2) Бу ажойиб ва нодир ўсимлик. 3) Бу – бола. Унинг катта уйи бор.

28-§. Сўроқ гап

Сўроқ гаплар гап бошига қўйиладиган **هَل** (ҳал) – «ми» сўроқ юкламаси ёрдамида ҳосил қилинади ва сўроқ оҳанги билан талаффуз қилинади.

Сўроқ гап	Дарак гап
هل هذا بيت؟	هذا بيت
هل لك ديك؟	لك ديك
هل هو كبير؟	هو كبير

Янги сўзларни ёдланг.

ёзувчи аёл - كَاتِبَةٌ kati baken йўқ - لا laa

ёзувчи - كَاتِبٌ kati bin ха - أَيَوًا

ит - كَلْبٌ kalbin

Изоҳ: لا ва أَيَوًا юкламалари гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан ажратилади. Арабча вергул

ва сўрок белгиси ўзбекча мукобилининг тескари ёзилишидир.

7-дарснинг 1-матни

- (1) هل هذه دولة كبيرة؟ ايوا، هذه دولة كبيرة.
(2) هل هو كاتب؟ لا، هو وزير.
(3) هل هناك كلب؟ لا، هناك ديك. هل هو كبير؟ ايوا، هو كبير.
(4) هل هي كاتبة؟ ايوا، هي كاتبة. هل لها كتاب كبير؟
ايوا، لها كتاب كبير.

29-§. м (мим) ҳарфи ва «м» товуши

м ҳарфи тўрт шаклли ва ҳар икки томонидаги ҳарфга қўшилиб ёзилади. Ўзбек тилидаги «м» товушини ифодалайди. Думалок қисми сатр чизигининг устида ва думчаси сатр чизигидан пастга тушади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алохида
م	م	م	م

3-машқ. Унгдан чапга қараб ўқинг ва ёзинг.

م م م م م م م م

Янги сўзлар

ўқувчи - تلميذة *tilimaydin*

ўқувчи қиз - تلميذة *tilimay hatun*

майдон - مَيْدَانٌ matolanun

уй - مَثْرَلٌ

сўз - كَلِمَةٌ

сизларнинг ...ингиз (бор) - لَكُمْ

уларнинг ...лари (бор) - لَهُمْ

нима - مَا

ким - مَنْ

шаҳар - مَدِينَةٌ

ёзув столи, кабинет - مَكْتَبٌ

кутубхона, китоб магазини - مَكْتَبَةٌ

Изоҳ: Сўроқ олмошлари араб тилида ўзбек тилидан фарқли равишда гапнинг бошида келади ва бундай гапларда **هَلْ** юкламаси ишлатилмайди.

7-дарснинг 2-матни

(1) ما هذا؟ هذا مكتب. ما هذه؟ هذه مكتبة.

هل هي هنا؟ لا، هي هناك.

(2) من هو؟ هو تلميذ. هل له كتاب؟ ايوا،

له كتاب. من هي؟ هي تلميذة. هل

لها وردة؟ ايوا، لها وردة.

(3) هل هذه كلمة؟ ايوا، هذه كلمة.

(4) هل لهم منزل كبير؟ ايوا، لهم منزل

كبير. هل لكم كتاب؟ ايوا، لنا كتاب.

Саккизинчи дарс

الدَّرْسُ الثَّامِنُ

30-§. ج (жим) ҳарфи ва «ж» товуши

ج ҳарфи тўрт кўринишга эга ва ҳар икки томонидаги ҳарфга кўшилади. Ўзбек тилидаги «ж» товушини англатади. Алоҳида ва охириги шаклларида сатр чизигидан пастга тушади:

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ج	ج	ج	ج

«Жим» ҳарфи ўрта ва охириги шаклларида келганда ўзидан олдинги ҳарфга ён томондан кўшилганидан ташқари тепа томондан кўшилиши ҳам мумкин:

1-машқ. Сўзларни тўғри талаффуз қилган ҳолда ўқинг ва ёд олинг.

чиройли - جَمِيلٌ

товуқ - نَجَاجَةٌ

туя - جَمَلٌ

пишлоқ - جُبَّةٌ

газета - جَرِيدَةٌ

янги - جَدِيدٌ

эркак киши - رَجُلٌ

оёқ (мн) - رِجْلٌ

гап - جُمْلَةٌ

ҳаракатчан - مُجْتَهِدٌ

8-дарснинг матни

- 1) ما هذا؟ هذا بيت جديد.
- 2) ما هذه؟ هذه دجاجة جميلة.
- 3) هذا رجل مجتهد و له جريدة جديدة.
- 4) ما هذه؟ . هذه مدينة كبيرة.
- 5) هذه مكتبة كبيرة. هناك كتاب جديد و نادر.
- 6) هذا رجل. هو كاتب بارز. له مكتب كبير.
- 7) هل لك بدلة جديدة؟ ايوا، لى بدلة جديدة و جميلة.
- 8) هذه تلميذة مجتهدة. لها جريدة. هي جديدة.

2-машк. Арабчага ўғиринг.

- 1) Бу нима? Бу – шахар. У каттами? Ҳа, у катта ва чиройли. 2) Сизнинг кутубхонангиз борми? Ҳа, менинг кутубхонам бор. У ерда газета ва китоб бор. 3) Менинг ўқувчим бор. У ҳаракатчан. Сенинг ўқувчинг борми? Ҳа, менинг ўқувчим бор. У ҳаракатчанми? Ҳа, у ҳаракатчан.

Тўққизинчи дарс

الدَّرْسُ التَّاسِعُ

31-§. س (син) ҳарфи ва «с» товуши

س (син) ҳарфи ўзбек тилидаги «с» товушини ифодалайди. Ҳар икки томонидаги ҳарфга қўшилади ва тўрт кўринишга эга.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
س	س	س	س

«Син» ҳарфининг тишли қисми сатр чизигидан тепада бўлиб, унинг ҳажми ب нинг бош кўринишининг

Унинг костюми йўқ. - لَيْسَ لَهُ بَدَلَةٌ

لَيْسَ сўзи иштирок этган гап саволга жавоб тарзида келганда, ундан олдин لَا инкор юклагаси келиши мумкин:

هَلْ لَكَ كِتَابٌ؟ لَا، لَيْسَ لِي كِتَابٌ.

Янги сўзлар

осон - سَهْلٌ

эпчил, чаққон - مَاهِرٌ

машхур - مَشْهُورٌ

совуқ, иссиқ - شَدِيدٌ

кровать - سَرِيرٌ

фирма, компания - شَرِكَةٌ

парда - سِتْرَةٌ

ёш (йигит) - شَابٌ

тинчлик - سَلَامٌ

мактаб - مَدْرَسَةٌ

дарс - دَرْسٌ

муҳандис - مُهَنْدِسٌ

боғ - بَيْتَانٌ

чай - شَايٌ

санчки - شَوْكَةٌ

хурсанд - مَسْرُورٌ

9-дарснинг матни

(1) ما هذا؟ هذا كتاب جديد؟ هل هناك درس جديد؟

ايوا، هناك درس جديد. هل هو سهل؟ ايوا، هو سهل.
٢) من هو؟ هو مهندس. هل هو مهندس ماهر؟
ايوا، هو مهندس ماهر و مشهور. هل له بستان كبير؟
لا، ليس له بستان كبير.

٣) ما هذا؟ هذا بستان كبير و جميل. هناك
وردة جميلة و نبات نادر. و هناك كلب و ديك و دجاجة.

٤) هل هناك برد شديد؟ ايوا، هناك برد شديد.

٥) ما هذا؟ هذا كوب؟ هل هناك لبن لذيذ؟ لا،

ليس هناك لبن. هناك شاي بارد.

٦) هل لكم شوكة؟ لا، ليس لنا شوكة.

٧) هل لهم ستارة جميلة و سرير كبير؟ لا، ليس لهم
ستارة و سرير.

٨) لى كوب كبير و هناك لبن بارد و لذيذ.

4-машқ. Арабчага ўғиринг.

1) Бу кутубхонами? Йўқ, бу ер мактаб. У катта ва чиройлидир. 2) Сизнинг янги ўқувчингиз борми? Ха, менинг янги ўқувчим бор. Унинг янги костюми борми? Ха, унинг янги чиройли кастюми бор. У хурсандми? Ха, у хурсанд. 3) У ким? У машҳур муҳандис. Унинг кутубхонаси ва катта ёзув столи бор. 4) Бу ер совукми? Ха, совук. Уларнинг санчқиси борми? Ха, уларнинг чиройли санчқиси бор.

Ўнинчи дарс

الدَّرْسُ العَاشِرُ

34-§. Ундошларнинг иккиланиши

Араб тилида икки бир хил ундош ёнма-ён келса, яъни иккиланиш ходисаси содир бўлса, ёзувда уларни ифодалаш учун биргина харф ёзилади холос. Шу

харфнинг устига « $\bar{\leftarrow}$ » (ташдид) белгиси қўйилади. Ҳаракатлар эса ташдид устига қўйилади:

буви - **جَدَّة** (жаддатун)

шакар, қанд - **سُكَّر** (суккарун)

пичоқ - **سِكِّين** (сиккиинун)

35-§. Ҳамза белгисининг имлоси ва талаффузи

«ء» (хамза) белгиси ўзи алоҳида ёки **ا**, **و**, **ى** харфларидан бирининг таянчилигида ёзилиши мумкин. У «'» шаклида транскрипция қилинади.

Сўз бошида хамзага таянч вазифасини алиф бажаради.

أَب (' абун) - ота, дада

إِبْن ('ибнун) - ўғил

أُم (' уммун) - она

Юкоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, хамза «фатха» ва «дамма» ҳаракатларини олганда алифнинг теша қисмига ва **касра** ҳаркатини олганда эса алифнинг остига қўйилади. Ҳамза олган алиф талаффуз қилинмайди ва бундай ҳолларда фақат хамза талаффуз қилинади. «Ҳамза» - товуш пайчаларида пайдо бўладиган жарангсиз шовқинли портловчи ундошдир. Портлаб отилган хаво овиз бўшлиғига ўтиб енгил йўтал ёки томоқ қирилишини эслатувчи товуш ҳосил қилади. Ўзбек тилида бундай товуш йўқ. Бироқ унга яқин товушни араб тилидан қабул қилинган «масъул», «хайъат» каби сўзлар талаффузида учратиш мумкин. Сўз ўртасида хамзага таянч вазифасини зикр этилган уч харф (**ا و ا**) лардан бири бажаради. Улардан қайси бири хамзага таянч бўлишга муносиблигини

«харакатларнинг катталиги» қондасига биноан хал қилинади. Қоидага биноан «энг катта» ҳаракат «и», кейингиси «у» ва «а» энг кичиги «суқун» дир.

«и» ҳаракатли ҳамза учун **ى** ҳарфи

«у» ҳаракатли ҳамза учун **و** ҳарфи

«а» ҳаракатли ҳамза учун **ا** ҳарфи таянч бўлишга муносибдир.

ى ҳарфи таянч бўлиб келганда нукталари ёзилмайди. Ҳар учала ҳарф таянч бўлиб келганда, одатда, улар талаффуз қилинмасдан, ҳамза талаффуз қилинади:

аёл - **مَرَأَةٌ** (мар'атун)

савол - **سُؤَالٌ** (су'аалун)

дастурхон, овқатланиш столи - **مَائِدَةٌ** (ма'идатун)

Сўз охирида ҳамзадан олдин чўзиқ унли ёки суқун бўлса, у таянчсиз ёзилади:

сув - **مَاءٌ** (маа'ун)

нарсa - **شَيْءٌ** (шай'ун)

Агар ҳамзадан олдин қисқа унли бўлса, унинг табиатига мувофиқ ҳарф унга таянч бўлиб ёзилади:

бошлади (феъл) - **بَدَأَ** (бада'а)

1-машқ. Ҳамзага мос таянч ҳарф қўйган ҳолда сўзларни арабча ҳарфлар билан ёзинг.

'асадун, ра'сун, 'имра'атун, су'ила, са'ала, ми'атун, ра'иисун, 'анта.

Янги сўзларни ёдланг.

русча - رُوسِيَّ

русча (мн) - رُوسِيَّة

ўзбекча - اوزبِكِي

ўзбекча (мн) - اوزبِكِيَّة

туркча - تُرْكِي

туркча (мн) - تُرْكِيَّة

яхши - جَيِّد

ёки - اَوْ

мен - اَنَا

сен (мз) - اَنْتَ

сен (мн) - اَنْتِ

ўқитувчи - مُدْرَس

ўқитувчи аёл - مُدْرَسَة

устоз, ўқитувчи, профессор - اَسْتَاذ

машина - سِيَّارَة

журнал - مَجَلَّة

дераза - شَبَاك

шер, арслон - اَسَد

мушук - هِر

мушук (мн) - هِرَّة

10-дарснинг матни

(1) هل أنت مدرس أوزبكي أو مهندس تركي؟

أنا مهندس تركي.

(۲) هل هي مهندسة؟ ايوا، هي مهندسة ماهرة
و امرأة جميلة.

(۳) من هو؟ هو أستاذ مشهور. هو هنا.

(۴) هل لکن مجلة روسية؟ لا، ليس لنا مجلة روسية.

(۵) هل لهن ماء بارد. لا، ليس لهن ماء بارد.

(۶) هل لها شاي و سكر؟ ايوا، لها شاي و سكر.

هل هذا ماء أو شاي؟ هذا شاي.

(۷) هل هذا باب أو شباك؟ هذا شباك كبير.

(۸) هل هذا كلب أو هرة؟ هذه هرة جميلة.

(۹) هل هذا سؤال سهل؟ ايوا، هو سهل.

2-машқ. Арабчага ўғиринг.

1) Сиз кимсиз? Мен янги ўқитувчиман (мн). У эса янги ўқувчидир. 2) Бизнинг яхши ўқитувчимиз бор. Унинг янги машинаси бор. 3) У машхур профессордир. Унинг уйи борми? Ҳа, унинг янги чиройли уйи бор. 4) Бу нима? Бу кутубхонадир. У ерда янги туркча журнал ва русча газета бор. 5) Сизнинг (мн) мушугингиз борми? Йўқ, менинг мушугим йўқ, итим бор.

Ўн биринчи дарс

الدَّرْسُ الحَادِي عَشَرَ

36-§. Артикль ҳақида умумий тушунча

Дунёнинг кўплаб тилларида отларнинг олдида келадиган аниқлик ва ноаниқлик артикли деб номланадиган юкламалар бўлиб, артикль олган от ноаниқ ёки аниқ ҳолатлардан бирида келган бўлади.

Тиллар	ноаниқлик артикллари	аниқлик артикллари
инглиз тилида	a (an)	the
немис тилида	ein, eine	der, die, das
француз тилида	un, une, des	le, la, les

Араб тилидаги отлар ҳам ноаниқ ёки аниқ ҳолатлардан бирида бўлиши мумкин. Ноаниқлик деганда ҳали биз сўз юритмаган, бизга номаълум нарса ёки ҳодисани тушунамиз. Ноаниқ отлар грамматик ноаниқ шаклда бўлади. Араб тилида ноаниқлик артикли йўқ. Унинг вазифасини сўзларнинг охириги харфи устида келадиган ва бизлар ҳозирга қадар от ва сифатларда қўллаган «н» товушини ифодаловчи «танвин» («→») ифодалайди. (Ўз навбатида танвин сўзнинг бош келишида келганлигига ҳам ишора қилади.)

Одатда араб тилида луғатларда берилган сўзлар ва от кесимли гапларнинг кесими ноаниқ ҳолда бўлади.

Биз илгари сўз юритган, барчага таниш ёки ҳаммага маълум нарса ҳодиса номлари аниқ ҳолатда бўлади. Шунингдек, бу гуруҳга аниқ ҳолатда бўлиши грамматик талаб қилинган исмлар ҳам киради.

Аниқ ҳолатдаги сўзлар аниқлик артикли билан қўлланилади. Араб тилида аниқлик артикли сўз олдидан қўшиб ёзиладиган **أَل** ('ал-) бўлиб, у транскрипцияда чизиқча билан ажратилади. Аниқ ҳолатдаги сўзнинг охири танвинсиз ўқилади.

аниқ ҳолатда	ноаниқ ҳолатда
('ал-китабу) الْكِتَابُ	(китаабун) كِتَابٌ
('ал-мадрасату) الْمَدْرَسَةُ	(мадрасатун) مَدْرَسَةٌ
('ал-кабиру) الْكَبِيرُ	(кабирун) كَبِيرٌ

Баъзи маклакат ва шаҳарларнинг номлари ва кўплаб атоқли отлар, кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари аниқлик артиклиз келса ҳам, грамматик аниқ ҳисобланади. Одатда гапнинг эгаси аниқ ҳолатда келади.

1-машқ. Қуйидаги сўзларни аниқ ва ноаниқ ҳолатларда ёзинг ва ўқинг.

مكتبة	أستاذ	جريدة
ماء	وداد	هرة
كتاب	باب	

37-§. Ҳамзанинг васлаланиши

Агар **أل** – артиклини олган сўздан олдин бошқа сўз келса ва у **أل** олган сўзга қўшиб, яъни уриштириб ўқилса, кейинги (иккинчи) сўзнинг **أل** –нинг **фатҳали ҳамзаси** ёзувда ва талаффузда тушиб қолади ва ёзувда унинг ўрнига **васла** (~) деб номланадиган белги қўйилади.

Харакатсиз матнларда ушбу белги ҳам одатда ёзилмайди.

Бундай бирикмалар қуйидагича ёзилади ва ўқилади:

(‘ал-китабу-л-кабиру) **الْكِتَابُ الْكَبِيرُ**

(‘ал-жариидату-л-жадиидату) **الْجَرِيدَةُ الْجَدِيدَةُ**

2-машқ. Қуйидаги бирикмаларни аниқ ҳолатда ёзиб тўғри талаффуз этинг ва ўзбекчага ўғиринг.

بهر باهر

بدلة جديدة

مهندس ماهر

38-§. Қуёш ва ой ҳарфлар

Араб алифбосидаги 28 та ҳарф 14 та «қуёш» ва 14 та «ой» ҳарфлари гуруҳига бўлинади. Бизлар ўрганган ҳарфларнинг бўлиниши қуйидагича:

«Қуёш» ҳарфлар: **ث ت د ذ ر ز س ش ل ن**

Агар **أل** - артиклидан сўнг қуёш ҳарфи билан бошланадиган сўз келса, артиклдаги **лом** ўз талаффузини йўқотиб, унинг ўрнига **آل** - дан кейин келган қуёш ҳарф ташдид (**-**) билан иккилантириб ўкилади:

الدَّرْسُ «ал-дарсу» ёзилса-да, «ад-дарсу»

الشَّمْسُ «ал-шамсу» ёзилса-да, «аш-шамсу» ўкилади.

«Ой» ҳарфлар: **ء ب ج ك م ه و ي**

Сўз «ой» ҳарфларининг бирортаси билан бошланса, аниқлик артикли унинг олдига қўшилгач, талаффузда ва ёзувда ўзгариш бўлмайди ҳамда тўла ҳолда ўкилади.

المُدِيرُ «ал-мудиру» - директор

الْجَارُ «ал-жаару» - қўшни

Агар **أل** олган сўздан кейинги сўз ҳам **أل** олган бўлса ва биринчи сўз иккинчи сўзга қўшиб (уриштириб) ўкилса, иккинчи сўз қуёш ҳарф билан бошланса, аниқлик артикли ёзилса-да, талаффузда тушиб қолади ва қуёш ҳарфи ташдид билан иккилантириб ўкилади:

الدَّرْسُ السَّهْلُ ад-дарсу-с-сахлу

الْكِتَابُ النَّادِرُ ал-китабун-н-наадиру

3-машқ. Сўзларни аниқ ҳолатда ёзинг ва талаффуз қилинг.

لبن	سلام	ديوان	نبات
سؤال	ثور	منزل	زبده
وزير	رجل		

4-машқ. Қуйидаги сўз бирикмаларини аниқ ҳолатда ёзинг, тўғри талаффуз этган ҳолда бир-бирига қўшиб ўқинг ва таржима қилинг.

برد شديد
 دجاجة سمينة
 جريدة تركية
 لبن لذيذ
 مدينة جميلة
 ماء بارد
 تلميذ جيد
 رجل مجتهد

Ўн иккинчи дарс

الدَّرْسُ الثَّانِي عَشَرَ

39-§. ف (фе) ҳарфи ва «ф» товуши

ف (фе) ҳарфи «ф» товушини ифодалайди, тўрт кўринишга эга, ҳар икки томонидаги ҳарфга қўшилади.

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ف	ف	ف	ف

Алифга нисбатан сатр чизигида жойлашуви куйидагича:

اف ففف

1-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ف ف ف ف ف ف ف ف ف ف ف ف

40-§. ق (қоф) ҳарфи ва «қ» товуши

ق (қоф) ҳарфи «қ» товушини ифодалайди. Тўрт шаклли ва ҳар икки томондаги ҳарфга қўшилади. ق ҳарфи ف ҳарфидан икки нуктаси ва сатр чизигидан «нун» шаклида пастга тушиши билан фарқ қилади.

Унинг тўрт хил кўриниши қуйидагича:

сўз охирида	сўз ўртасида	сўз бошида	алоҳида
ق	ق	ق	ق

ف ва ق ҳарфлари «ой» ҳарфлардир.

2-машқ. Ўнгдан чапга қараб ўқинг.

ق ق ق ق ق ق ق ق ق ق ق ق

3-машқ. ك ва ق ҳарфларини фарқлаб ўқинг.

ит **كَلْبٌ** - **قَلْبٌ** қалб, юрак

чарчаган **كَلِيلٌ** - **قَلِيلٌ** оз

лойқа **كُدْرَةٌ** - **قُدْرَةٌ** қудрат, куч

алдаш (алдов) **كَيْدٌ** - **قَيْدٌ** кишан

41-§. Келишиклар

Араб тилида грамматик муносабатлар уч келишик ёрдамида амалга оширилади. Булар: бош, қаратқич ва тушум келишикларидир. Уч келишикда турланидиган отларнинг келишик қўшимчалари қуйидагичадир:

Бош келишик - (ун)

Қаратқич келишик - (ин)

Тушум келишик - (ан)

Отларнинг уч келишикда турланиши

келишик	Жинс	ноаник ҳолатда	аник ҳолатда
бош	Мз	دَرْسٌ	الدَّرْسُ
	Мн	مَدْرَسَةٌ	المَدْرَسَةُ
қаратқич	Мз	دَرْسٍ	الدَّرْسِ
	Мн	مَدْرَسَةٍ	المَدْرَسَةِ
тушум	Мз	دَرْسًا	الدَّرْسَ
	Мн	مَدْرَسَةً	المَدْرَسَةَ

Изоҳ: **ة، ة** - билан тугамайдиган сўзлар ноаник ҳолатда тушум келишигида турланганда, сўз охирида ўқилмайдиган **ا** (алиф) қўшиб ёзилади. **ة** билан тугайдиган сўзларда бу ҳолат кузатилмайди:

بَيْتًا (байтан) - уйни

مَجَلَّة (мажаллатан) - журнални

كِتَابًا (китаабан) - китобни

4-машқ. Қуйидаги янги сўзларни ёдланг ва уч келишиқда аниқ ва ноаниқ ҳолатларда турланг.

сигир - بَقْرَةٌ

калам - قَلَمٌ

камбағал - فَقِيرٌ

эски - قَدِيمٌ

маймун - قِرْدٌ

овир - ثَقِيلٌ

42-§. فِي، مِنْ، فِي предлоглари

Предлоглар араб тилида рус ва инглиз тилларидаги каби сўздан олдин келади. Предлоглар ўздан кейинги сўзни қаратқич келишиги шаклида келишини талаб этади.

فِي - «да» предлогидан кейинги сўз қаратқич келишиги шаклида келса-да, ўзбек тилига ўрин-пайт келишиги шаклида таржима қилинади.

فِي بَيْتٍ (фи байтин) - уйда

فِي دَرَسٍ (фи дарсин) - дарсда

Лекин فِي предлогидан кейинги сўз ال - аниқлик артикли билан келса, предлогнинг чўзиқ унли «ии» си қисқа ҳолда сўзга қўшиб талаффуз қилинади:

فِي الْبَيْتِ (фи-л-байти)

فِي الدَّرْسِ (фи-д-дарси)

مِنْ - «дан» предлоги чиқиш келишигини ифодалайди ва аниқ ҳолатдаги сўздан олдин مِنْ тарзида ўқилади:

مِنْ مَدْرَسَةٍ (мин мадрасатин) мактабдан

مِنَ الْمَدْرَسَةِ (мина-л-мадрасати) мактабдан

قَرَبَ предлоги «яқинида», «ёнида» деб таржима қилинади:

قَرَبَ دُكَّانَ (қурба дуккаанин) дўкон ёнида

قَرَبَ الدُّكَّانَ (қурба-д-дуккаани) дўкон яқинида

43-§. Предлоглар иштирок этган от кесимли гап

Баъзан гапнинг кесими предлогли отдан иборат бўлади. Бунда эга билан кесим жинсда ва сонда мослашиши шарт эмас. Кесим ноаниқ ҳолда келади, деган қоидага ҳам амал қилинмайди. Бундай кесим эганинг мавжудлик ўрнини ёки пайтини билдириш учун хизмат қилади. Бунда, эга олдин, бош келишиқда ва аниқ ҳолатда келади. Кесим эса эгадан кейин предлог билан ва аниқ ҳолатда келади.

Ўқувчи мактабадир **التَّلْمِيذُ فِي الْمَدْرَسَةِ**

Машина факультет яқинидадир **السيَّارة قَرَبَ الكَلْبَةِ**

Баъзан, гапнинг эгаси кесимдан кейин келади ва у ноаниқ ҳолатда, бош келишиқда бўлади. Кесим эса, гапнинг бошида предлогли, аниқ ҳолатда ва қаратқич келишигида бўлади. Бундай гаптаги кесимга ўзбекчада «бор» ёки «йўқ» сўзлари қўшиб таржима қилинади:

Мактабада ўқувчи бор **فِي الْمَدْرَسَةِ تَلْمِيذٌ**

Мактабада ўқувчи йўқ **لَيْسَ فِي الْمَدْرَسَةِ تَلْمِيذٌ**

Факультет яқинида машина бор **قَرَبَ الكَلْبَةِ سَيَّارَةٌ**

Факультет яқинида машина йўқ **لَيْسَ قَرَبَ الكَلْبَةِ سَيَّارَةٌ**

44-§. Аниқловчининг аниқланмиш билан мослашуви

Аниқловчи вазифасида келадиган сифат ўзидан олдин келадиган аниқланмиш (от) билан жинсда, келишиқда, ҳолатда ва сонда мослашади. Лекин, аниқланмишдан олдин келадиган **هَذَا، هَذِهِ، ذَلِكَ، تِلْكَ** кўрсатиш олмошлари аниқловчи вазифасида келганда жинсда мослашса-да, келишиқда мослашмайди:

катта дўконда **فِي دُكَّانٍ كَبِيرٍ**

ўша катта дўконда **فِي ذَلِكَ الدُّكَّانِ الكَبِيرِ**

яқин мактабдан **مِنْ مَدْرَسَةٍ قَرِيبَةٍ**

бу яқин мактабдан **مِنْ هَذِهِ المَدْرَسَةِ القَرِيبَةِ**

Янги сўзларни ёдланг

дафтар - **دَفْتَرٌ**

ўша, анови (мн) - **تِلْكَ**

фильм - **فَلْمٌ**

ўша, анови (мз) - **ذَلِكَ**

мақола - **مَقَالٌ**

кўйлак (аёлларники) - **فُسْتَانٌ**

қишлоқ - **قَرْيَةٌ**

ёш қиз - **فَتَاةٌ**

квартира - **شِقَّةٌ**

бурун - **أَنْفٌ**

ёпилган, ёпиқ - **مَقْفُولٌ**

оғиз - **فَمٌّ**

эски - **قَدِيمٌ**

пиёла - **فَنْجَانٌ**

яқин - **قَرِيبٌ**

дераза - **نَافِذَةٌ**

қалам - **قَلَمٌ**

қаҳва - **قَهْوَةٌ**

тушунарли - **مَقْهُومٌ**

12-дарснинг матни

(۱) **فِي بَيْتٍ قَدِيمٍ فِي الْبَيْتِ الْقَدِيمِ**

(۲) **فِي قَرْيَةٍ قَرِيبَةٍ فِي الْقَرْيَةِ الْقَرِيبَةِ**

- ۳) فى فنجان جميل فى الفنجان الجميل.
- ۴) فى دفتر جديد فى الدفتر الجديد.
- ۵) فى هذا البيت الكبير فى هذه المدينة الجميلة.
- ۶) فى تلك الشقة الجديدة فى ذلك الدكان القديم.
- ۷) من ماء بارد من الماء البارد.
- ۸) من فتاة جميلة من الفتاة الجميلة.
- ۹) من نافذة مقفولة من النافذة المقفولة.
- ۱۰) من مقال مشهور من المقال المشهور.
- ۱۱) من ذلك القلم الجديد من تلك الشقة الكبيرة.
- ۱۲) من هذه الكلمة المفهومة من هذا الدفتر المقفول.
- ۱۳) هذه القرية قرب المدينة.
- ۱۴) ذلك البيت القديم قرب المدرسة.
- ۱۵) المائدة قرب النافذة المقفولة.
- ۱۶) البستان الجميل قرب هذا البيت.

Ўн учинчи дарс

الدَّرْسُ الثَّالِثُ عَشَرَ

45-§. ح (хойи хутти) ҳарфи ва (х) товуши.

ح ҳарфи «ой» ҳарфлар гуруҳига мансуб бўлиб, ёзилишида худди ج ҳарфи каби ёзилади. Фақат нуктасиздир.

«х» ундоши ўзбек тилидаги «х» ва «х» ларга умуман ўхшамайдиган, фақат араб тилига хос товуш бўлиб, уни талаффуз қилганда ўпкадан чиқадиган ҳаво бўғизда тўсикка учраб, куч билан чиқади ва бўғиз деворларига қаттиқ ишқаланади. Унинг талаффузида

оз - قَلِيلٌ

олдида (предлог) - أَمَامَ

биз - نَحْنُ

парк, боғ - حَدِيقَةٌ

деҳқон - فَلَاحٌ

эшак - حِمَارٌ

дала - حَقْلٌ

сут - حَلِيبٌ

гўшт - لَحْمٌ

туз - مِلْحٌ

Сўроқ олмошлари

каерда - أَيْنَ

каердан - مِنْ أَيْنَ

нима - مَا

нима - مَادَا

Изоҳ: Одатда сўроқ олмошлари ўзбек тилига тескари равишда сўзлан олдин келади.

13-дарснинг матни

- ١) أين انتم؟ نحن في مدينة كبيرة .
- ٢) أين الفلاح؟ هو في الحقل.
- ٣) من أين هذا الرجل؟ هذا الرجل من القرية.
هل له بقرة؟ أيوا، له بقرة و حمار.
این هذا الحمار؟ هذا الحمار في
الحقل قرب القرية. هل الحرارة هناك الآن
حارة او باردة؟ الحرارة هناك الآن حارة شديدة.
- ٤) ماذا في هذا الفنجان؟ في هذا الفنجان
قهوة حارة و لذيذة.
- ٥) أين الحليب البارد؟ الحليب البارد في
ذلك الكوب.

бузоқ **عَجَلٌ** – **حِجْلٌ** браслет

нарх **سِخْرٌ** – **سِغْرٌ** сеҳр

шиппак **نَعْلٌ** – **تَحْلٌ** асалари

байроқлар **أَعْلَامٌ** – **أَحْلَامٌ** орзулар

3-машқ. **ع** билан **ع** товушларини бир-биридан фарқлаб ўқинг.

ع - ا
ان - عن

ع - ا
ان - عن

ع - ا
ان - عن

ўқитувчи **مُعَلِّمٌ** – **مُوَلِّمٌ** азоб берувчи

йўтал **سُعَالٌ** – **سُؤَالٌ** – савол

намуна, ибрат **عَبْرَةٌ** – **إِبْرَةٌ** нина, шприц

кийинчилик **عُسْرَةٌ** – **أُسْرَةٌ** оила

4-машқ. Тўғри талаффуз қилган ҳолда ўқинг.

رَعْرَاعٌ زَعْرَعَةٌ بُعْبُعٌ نَعْنَاعٌ
مُعْبَعِبٌ شُعَاعٌ عُسْعُسَةٌ قَعْقَعٌ

5-машқ. Иккиланган ундошларга эътибор қилган ҳолда ўқинг.

مُقَعَّرٌ لَعَابٌ قَعَادَةٌ أَشِعَّةٌ

48-§. **عند** предлоги

عند – «хузурида», «қошида» ва «...да бор» деб таржима қилинади.

هل عند الاستاذ كتاب جديد؟

Устозда янги китоб борми?

أيو، عند الأستاذ كتاب جديد.

Ха, устозда янги китоб бор.

لا، ليس عند الأستاذ كتاب جديد.

Йўк, устозда янги китоб йўк.

عند من هذا الدفتر؟

Бу дафтар кимда?

هذا الدفتر عند الأستاذ.

Бу дафтар устозда.

49-§. لـ предлоги

لـ - «...да бор», «...нинг бор», «учун», «га» деб таржима қилинади. У «...да бор» деб таржима қилинганда **عند** - дан фарқли равишда хусусийликни англатади. Бундан ташқари у «учун», «га» деб таржима қилинганда, мўлжалланганликни, аталганликни ифодалайди.

لـ сўзга қўшиб ёзилади:

қизнинг, қизда

қиз учун (ли-бинтин)

لِئْتِ

бу қизда

бу қизнинг, бу қиз

учун (ли-ҳазихи-л-бинти)

لِهَذِهِ الْبَيْتِ

кимнинг, кимда, кимники,

ким учун, кимга (ли-ман)

لِمَنْ

لـ предлоги ال- артиклини олган сўзга қўшилганда
ال – нинг алифи ёзувда тушиб қолади.

ل + الولد = الولد (ли-л-валади)

ل + الله = لله (ли-л-лааҳи)

لـ иштирокидаги гаплар қуйидагича таржима қилинади:

هل لهذه البنت فستان جديد؟

Бу қизнинг янги кўйлаги борми?

ايوا، لها فستان جديد و جميل.

Ха, унинг янги ва чиройли кўйлаги бор.

لا، ليس لهذه البنت فستان جديد.

Йўқ, бу қизнинг янги кўйлаги йўқ.

لمن هذه البقرة؟

Бу сигир кимники?

هذه البقرة للفلاح.

Бу сигир деҳқонники.

هذا الحليب للولد.

Бу сут бола учундир.

6-машқ. Ҳаракатларни тўғри қўйган ҳолда ўзбекчага ўғиринг.

۱) هل لهذا الرجل سيارة؟ ايوا، له سيارة.

۲) لهذه الفتاة نعل جميل و فستان جديد.

۳) هل هذا الفستان للمدرسة؟ ايوا، هذا

الفستان للمدرسة؟ لمن هذه الشقة؟

هذه الشقة للمهندس الأوزبكي.

50-§. Бирикма олмошлари

Араб тилида бирикма олошлари ўзбек тилидаги эгалик қўшимчаларининг вазифасини бажаради. Улар худди эгалик қўшимчалари каби сўзга қўшилиб ёзилади. Бунда сўзнинг () танвин қўшимчаси () даммага ва ة, ة билан тугайдиган муаннас сўзлардаги ة эса, ت га алмашинади. (Биринчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси қўшилган сўзнинг охириги харфи (-) касра олади.

Кишилик ва бирикма олмошларининг ёнма-ён жадвали

бирикма олмошлари	кишилик олмошлари
